БХСРДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР: МУАММОЛАР, ЗИДДИЯТЛАР ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Қ.РАЖАБОВ

В статье рассматриваются экономические процессы в БНСР. Автор на основе изучения архивных документов и периодический печати скрупулезно освещает эту проблему.

In this article are considered the economic processes in BNSR. The author mentioned the basis of study of the archival documents and periodic press of this problem.

Бухорога қизил армия томонидан қилинган босқин натижасида 1920 йил 2 сентябрда амирлик тузуми ағдариб ташланди ва янги республика бошқаруви ўрнатилди. Ёш бухороликлар партиясининг аъзолари Бухорода ҳокимият тепасига келдилар. Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ташкил топди. Бироқ большевиклар ва совет Россиясининг Туркистонда турган ҳарбий–сиёсий кучлари нафақат Ёш бухороликлардан мавжуд монархия тузумини ағдаришда унумли фойдаландилар, балки улар раҳбарлик қилган БХСРни демократик йўлдан эмас, балки совет йўналишидан кетишини қатъиян талаб қилдилар. Бу ҳолат БХСРдаги иқтисодий ўзгаришларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

1920 йил кузида келганда Бухоро иқтисодиёти таназзулга учраган ва халқнинг турмуш даражаси анча пастга тушиб кетган эди. Қизил армия томонидан Бухоронинг босиб олиниши, босқинчиларга қарши олиб берилаётган миллий озодлик кураши иқтисодий инқирозни яна ҳам чуқурлаштирди. Деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлиши натижасида 1918 йилга нисбатан олганда 1920 йил охирида деҳқончилик 30%, 1922 йил бошларида 40%, чорвачилик эса мос равишда 40% ва 53%га тушиб кетди. 1922 йилга келганда экин майдонлари деярли икки баравар, қоракўл тери тайёрлаш 20 баравар, пахта етиштириш эса 26 баравар қисқарди. Анча шу даврда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 50%, савдо–сотиқ айланмаси эса 75%га тушиб кетди [1].

Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланган, 1920 йил кузида савдогарлар ва йирик мулкдорлар қўлидаги товар ва бошқа бойликлар оммавий равишда мусодара қилинди. 1920 йил 17 сентябрда Туркистон комиссияси (Туркомиссия) томонидан Бухоро Республикасидаги озиқ–овқат ишлари бўйича қабул қилинган махсус қарорда қуйидагилар таъкидланади:

“1. Бухоро Республикасидаги озиқ–овқат ишларини озиқ–овқат нозирлиги олиб боради…

3. Бухоро Республикасида озиқ–овқат ишлари озиқ–овқат нозирлиги томонидан олиб борилади ва мулкдорлар табақаси белгиланган қатъий нархларда давлат развёрсткаси (тақсимоти)ни бажаришлари шарт.

3. Бухоро Республикасидаги фронтни ҳимоя қилаётган 1–Армиянинг озиқ–овқат таъминоти Озиқ–овқат нозирлиги томонидан таъминланиши керак” [2].

Мазкур қарорни бажариш учун 1920 йил сентябрда махсус БХСР Озиқ–овқат халқ нозирлиги ташкил қилинган. Нозирлик фаолиятига Мирзо Исом Муҳитдинов раҳбарлик қилган. Нозирликнинг фаолият доирасига яна озиқ–овқат тақсимоти, яъни продразверстка сиёсатини амалга ошириш ҳам тушган.

БХСР Марказий Ревкоми раиси Абдулқодир Муҳитдинов, раис ноиби Абдулҳамид Ориф, саркотиб Содиқ Маҳмудий имзолари билан

1920 йил 11 октябрда қабул қилинган озиқ–овқат тақсимоти ҳақидаги “Озуқ андози ва унинг миқдори, нархи хусусида” чиқарилган қонун Бухоро Халқ Совет Республикаси вилоятлари аҳолиси зиммасига қанча миқдорда озиқ–овқат маҳсулотларини топшириш мажбуриятини юклайди [3].

БХСР ҳукумати ва янги ҳокимиятнинг бошқа тузилмалари Бухорода юзага келган иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва уруш натижасида вайрон бўлган иқтисодиётни тиклаш учун 1920 йил сентябр ойи охирларидан бошлаб жиддий киришдилар. Бироқ Россиядаги марказий ҳукумат ва большевиклар Бухоро Халқ Совет Республикасида юзага келган танг ҳолатдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун Бухорода иқтисодий барқарорлик стратегиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратди. Бу стратегияни амалга ошириш, бир томондан, миллий иқтисодиёт ва сиёсий барқарорликни тиклашга ёрдам берса, иккинчи томондан, РСФСР билан БХСР ўртасида мустамлакачиликка хос иқтисодий муносабатлар тизимини мустаҳкамлашга шароит яратиб бериши керак эди. Бу стратегия аслида “ҳарбий коммунизм” сиёсатидан янги иқтисодий сиёсат –НЭПга ўтишнинг совет Россияси шароитига асосланган бўлиб, аҳолининг аксарияти – 9/10 қисми қишлоқларда яшаётган “деҳқонлар мамлакати”–Бухорода йўқсиллар жамияти – социализмнинг иқтисодий негизини яратишга қаратилган эди.

Мамлакат халқ хўжалигининг асосини ташкил қилган қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан БХСР ҳукумати ҳам манфаатдор бўлган. Бироқ улар қишлоқлардаги аграр ва иқтисодий муносабатларни синфий асосда қайта қурмасдан, балки миллий иқтисодиётни бозорга мослаштириш ва жамиятни демократик асосда янгилашни хоҳлар эдилар.

РСФСР ва Туркистон АССР сиёсий раҳбарияти эса Бухоро Халқ Совет Республикаси арбобларини, хусусан, коммунистларни қишлоқ хўжалигида кескин туб ислоҳотлар ўтказиш йўли билан Бухоро деҳқонларини совет ҳокимияти томонига ағдариб олиш йўлидан боришга ундади [4].

Бухорода янги аграр сиёсатнинг дастурий қоидаларини ишлаб чиқишда кескин қарама–қаршилик юзага келди. Бу ҳолат демократик кайфиятдаги БХСР ҳукумати яъзолари (нозирлар) билан синфий муросасизлик йўлини танлаган Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети (БКП МК) “сўл” етакчилариўртасидаги ўзаро муносабатларда яққол кўзга ташланди. Большевиклар таклиф қилган йўлни танлаган Бухоро Коммунистик партиясидаги “сўллар” (Нажиб Хусаинов, Олимжон Акчурин, Ҳасан Алиев, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Мирзо Баҳром Аҳмедов, Ражаб Муҳамадиев, Мирза Ғулом ва б.) ерни ёппасига мусодара (национализация) қилиш ва қишлоқни социалистик усулда жадал қайта қуришни ёқлаб чиқдилар. Бутун Бухоро Марказий Ревкоми раиси Абдулқодир Муҳитдинов бошчилигидаги бир гуруҳ миллий арбоблар (улар тарихий адабиётларда “ўнглар” даб аталади) “сўл” коммунистларга қарши чиқиб, БХСР халқаро майдонда мустақил ҳаракат қилсин деган сиёсий йўлни ўтказишга интилдилар. Улар Марказнинг ваколатли органлари бўлган Туркомиссия ва Туркбюрони тугатиш, қизил армияни (Туркистон фронти қўшинларини) БХСР ҳудудидан чақириб олишни талаб қилдилар. Улар Москва ва Тошкентдан Бухорога юборилган большевик эмиссарлари: рус ва татар коммунистлари БХСРдан чиқиб кетсин, деган ҳақли талабни ўртага қўйдилар ва мамлакатни эркин бозор муносабатлари йўлида ривожлантириш учун ҳаракат қилдилар. БХСР ҳукумати таркибидаги собиқ Ёш бухороликлар эса (тарихий адабиётларда улар Файзулла Хўжаев бошчилигидаги “марказчилар” дейилади) оралиқ йўлни танлаб, демократик руҳдаги мўътадил ислоҳотлар ўтказишни таклиф қилдилар [5]. Уларнинг фикрига кўра, мамлакатдаги барча ерларни, хусусан, вақф ерлари ва бойлар қўлидаги ерларни мусодара қилиш ҳалокатли ижтимоий портлашга, Бухоро жамиятини синфий жиҳатдан парчаланишига, ниҳоят БХСРнинг сиёсий ва иқтисодий инқирози ҳамда таназзулига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар биринчи босқичда амир ва унинг бариндош–уруғлари, йирик сарой аёнлари ва амалдорларига қарашли ерларни мусодара қилиш таклифи билан чиқдилар.

1920 йил 30 сентябрда Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси (Марказий Ревкоми) раиси Абдулқодир Муҳитдинов томонидан имзоланган Ер тўғрисидаги қонунда собиқ амир, унинг қариндош уруғлари ва беклар қўлидаги барча мол–мулклар ва ер умумхалқ мулки деб эълон қилинган. Қонунга кўра, хирож, муштбар, амлок ва бошба солиқлар бекор қилинган. Қонун матни орадан 2 ой ўтгач – 1920 йил 21 ноябрда “Бухоро ахбори” газетасида эълон қилинди. Мазкур қонун аграр соҳадаги дастлабки ҳужжат бўлиб, унда БХСР иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатилган эди [6].

БХСРда ер–сув ислоҳотини амалга оширишда Зироат (деҳқончилик) нозирлиги катта роль ўйнади. Нозирлик ташкил қилингач, уни дастлаб Абдураҳим Юсуфзода 1920 йил кузидан 1921 йил январига қадар бошқарди. У

БХСРнинг Афғонистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси қилиб тайинланганидан сўнг, аввал Порсо Хўжа (Порсохўжа Ҳасанхўжаев), 1922–1923 йилларда эса Сафо Жўрабоев Зироат нозири вазифасида ишлади. Ҳаким Ашуров зироат нозирининг муовини бўлиб турди [7].

БХСРнинг даврий матбуот органлари бўлган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари билан танишар эканмиз, уларда қишлоқ хўжалигининг аҳволи, уни ривожлантириш йўлидаги чора–тадбирлар билан боғлиқ ўнлаб мақола ва хабарларни учратамиз.

1921 йил баҳоригача фақат Бухоро, Чоржўй ва Кармона вилоятларида собиқ амир ва унинг амалдорларига қарашли 13000 таноб ер ҳисобга олинган ва мусодара этилган. Бу ерларнинг асосий қисми ерсиз ва кам ерли камбағалларга тақсимлаб берилган.

Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси раиси А.Муҳитдинов «Зироат назоратидан нима кутамиз?” номли мақоласида янги ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида қуйидагича муҳим кўрсатмалар берган:

Бу кун иқтисодий сиёсатимизни тузатилмоғи фақат зироат ишларининг тараққийси билан бўладир. Чунки мамлакатимизда фабрика ва маъдан ихтисослари йўқдир.

Бинобарин бу мамлакатнинг бутун тўқлик ва очлиги зироат ишларининг тараққий ва таназзулига боғлиқдир. Зироат ишларининг тараққийси учун зарур бўлғон ишлар, сувнинг мамлакатда маъқул бир тарзда тақсимидир. Бунинг учун зироат назоратининг шундоқ чораларига киришмоғи лозимдирки, ҳар бир ер учун заруратдан ортиқ сув берилмасун ва дигар тарафдан сувсиз ерлар ҳам қолмасун. Сув учун шиддатли эҳтиёжлар бўлиб турганда бўш сувлар кўлларға, йўлларға тошмасун. Бунинг учун бандлар иншооти, ариқларнинг муносиб суратда қаздирмоқ лозимдур.

Назоратнинг вазифасидурки, шундоқ деҳқонларга асбоб зарурият билан ҳукумат тарафидан ёрдам қилсун. Бунинг учун лозимдурки, ҳар вилоятнинг, ҳар туманнинг, ҳар кентнинг муҳтож деҳқонлари ва улар учун зарур бўлган сабабдан зироат назорати хабардор бўлиб миқдор рақамларини билиб вақтинда ҳозирлик кўрсун.

Зироат назорати маълум муддатда, маълум миқдорда асбоби зироатдан бўлғон ат, ароба, ҳўкиз ва темир–терсаклар ҳозир қилсунки, бу нарсаларни муҳтож бўлган деҳқонларға бериб ёрдам этсун. Хусусан, Бухоронинг лозим тараққийсини зироат орқали амалга оширмоқ лозимдир.

Мамлакатнинг ўрмонлари ва дарахтзорлари ҳам зироат назоратининг низомномасига кўра тобедир” [8].

Камбағал деҳқон хўжаликларига мусодара қилинган уруғлик иш ҳайвонлари ва асбоб–ускуналар билан бир қаторда айни пайтда хўжаликни тиклаш ва ривожлантириши учун ҳукумат томонидан махсус қарз (ссуда) ҳам берилган.

БХСР ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаев 1921 йил қуйидаги фикрни бежиз билдирмаган эди: “Буз бутун кучимизни сармоядорлар уруши ва дохилий уруш* натижасида қарам бўлган қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишга ва жумҳуриятнинг орқа таянчи ҳисобланғон деҳқонларнинг моддий ва маънавий ҳолларини яхшироқ этишга сарф қилишға тегишлимиз” [9].

Маълумки, қоракўлчилик асрлар бўйи Бухорода қишлоқ хўжалигининг асосий даромад берадиган тармоғи бўлиб келган. Бироқ республика даврида қоракўл тери етиштириш ва уни хорижга чиқариш кескин камайиб кетган эди [10]. “ХХ асрнинг бошларидан 1913 йилга қадар амирликда ҳар йили 1.500.000 донадан 2.000.000 донагача қоракўл тери етиштирилган. 1920 йилга келиб бу рақам 200000 донага тушиб қолган. Фақатгина 1922 йилда бу соҳада бир оз жонланиш бўлиб, 800000 дона қоракўл тери етиштирилган” [11].

Қоракўлчилик инқирозига сабаб бўлиб Биринчи жаҳон уруши йилларида қўйларнинг қирилиб кетиши, ички урушлар туфайли қоракўл терини хорижий давлатлар (Россия ва Германия)га чиқаришнинг кескин қисқариши, давлат томонидан юқори бож тизимининг жорий қилинганлиги каби омиллир салбий таъсир кўрсатди. Бироқ тадбиркорлар қоракўл терини хорижга чиқаришга интилишган. Архив ҳужжатларида кўрсатилишича, хусусий тадбиркорлар 1920–1922 йилларда Бухоро қоракўл терисини яширин равишда Афғонистон орқали Англия бозорларига чиқарганликлари ҳақидаги маълумотлар бор.

Афғонистон – БХСР давлатларининг савдо–сотиғида Амударё бўйидаги Карки шаҳри муҳим роль ўйнаганлиги манбаларда қайд қилинган.

«Сўнгги вақтларда (1922–1923 йиллар) Бухоро жумҳуриятининг Карки вилояти ва шаҳрига Афғонистон савдогарлари келиб, кумуш (нуқра), пул баробарига қоракўл ва юнг олиб Афғонистонга узатаяптилар” [12] , – деб маъ-

* Бу ўринда Биринчи жаҳон уруши ва истиқлолчилик ҳаракати кўзда тутилмоқда.

лумот берилади “Бухоро ахбори” газетасида. Каркига келган Бухоро савдогарлари афғон вакиллари олиб келган маҳсулотларни БХСРнинг бошқа вилоят ва шаҳарларига сотиш учун олиб кетарди. Бир пайтнинг ўзида Карки Афғонистон – Бухоро алоқаларидаги хабарларни алмаштириб туриш маркази ҳам бўлган. У геосиёсий жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашган бўлиб, хуллас, икки мамлакат ўртасида транзит савдо вазифасини маълум маънода бажарган.

Афғонистондан Бухорога олиб келинган маҳсулотлар, уларнинг нарх–навоси, икки мамлакат ўртасидаги божхона муносабатлари масалалари билан боғлиқ маълумотлар кўп учрайди. Манбаларда келтирилишича, “Афғонистон – Бухоро савдо муносабатлари кундан–кун кенгайиб борадур. Афғонистондан юнг, пахта ва оёқлик мол келиб, улар баробарига Бухородан керосин, қанд каби моллар юбориладур” [13].

Бухоро ва Афғонистон ўзининг миллий саноатини эндигина оёққа қўяётган, мутахассислар базасини яратаётган бир даврда асосан хом ашё билан савдо–сотиқ қилиши табиий ҳол эди. Бухородан Афғонистонга чиқарилган маҳсулотлар эса Россия саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарлардан иборат бўлган [14].

Бухоро ҳукумати истиқболда Афғонистон – Бухоро савдо муносабатларини тўғридан–тўғри йўлга қўйиш режаси, кооперативлар иттифоқини ташкил қилиш, хорижий савдо шуъбасини тузиш, божхона тизимларини такомиллаштириш масалалари бўлган.

Бухоро мамлакати иқтисодини ривожлантиришда вақфлар ҳам катта аҳамият касб этган. 1921 йил 1 августдаги расмий маълумотларга кўра, Бухорода 208 масжид ва 215 мадрасага қарашли 200 вақф муассасаси рўйхатга олинган [15].

Бу пайтда вақф ерларнинг миқдори 3000 таноб бўлган. Вақф қилинган мулклар 57 сарой, 1414 дўкон, 23 бозор, 10 та ҳаммом, 18 та тегирмон ва 133 ҳужрадан иборат бўлиб, улар бир йилда 1 млн. сўм соф даромад келтирган [16].

БХСРда қишлоқ хўжалик соҳасидаги иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда вақф ерларини бошқариш тўғрисидаги чора ва тадбирлар ҳам муҳим роль ўйнаган. Мазкур масалалар билан Маориф халқ нозирлигидан Вақфлар бошқармаси (Авқоф) шуғулланган.

1920 йил кузидан бошлаб Бухорода вақф ерларини ижарага бериш шакли ўзгартирилган. 1920 йил 24 ноябрда БХСР Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев томонидан қабул қилинган қарорда айтилишича, ижарачилар қўлидаги ғаллани тўплаш ва ҳукуматга топшириш, ижарачилар томонидан мутаваллийларга тўланадиган пулни (ижара ҳақини) бекор қилиш, деҳқон вақфкорларнинг йирик ижарачиларда қолган қарзини ундириш керак эди [17].

Бутун Бухоро халқ вакилларининг II қурултойи (1921 йил 18–23 сентябр)да ер–сув ислоҳотини ўтказиш борасидаги ҳукумат сиёсатига анча тузатишлар киритилди ва бу соҳада олиб борилаётган қатъий чора–тадбирлардан либераллашувга томон қадам ташланди. Ушбу қурултойда Бутун Бухоро Инқилобий қўмитаси (Марказий Ревком) раиси А.Муҳитдинов нутқ сўзлаб, унда қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: “Шариатга биноан мусулмоннинг ҳеч қандай мулки унинг розилигисиз тортиб олиниши мумкин эмас. Мен ер эгаларининг қўлларида мавжуд бўлган ерларини аввалги ҳолда қолдиришни ёқлаб фикр билдираман” [18].

Хусусан, Бухоро иқтисодиётида вақф мулклари катта роль ўйнаган. Бухорода вақф мулкларини тартибга солиш билан боғлиқ мураккабликлар бу йўналишда алоҳида лойиҳа ишлаб чиқишни тақозо қилган. Ушбу лойиҳа БХСР Маориф Халқ Нозири Фитрат томонидан 1922 йил ёзида ишлаб чиқилган бўлиб, у 19 моддадан иборат бўлган.

“Вақф ишлари ҳақида”ги лойиҳада вақф мулклари ўтмишда Бухоро халқининг юксалишига сабаб бўлган омил эканлиги, ёш республика томонидан вақфни аҳамиятсиз қолдирмоқ ўзбек халқи манфаати ва руҳиятига мос келмаслиги баён қилинган. Вақф мулкларини (ер, дўкон, сарой, бозор, ҳовли ва ҳ.к.) ҳукумат солиғидан озод этиб, фақат ундан умр солиғини олиш, Марказий Вақф мудириятини Маориф нозирлиги ҳудудида қайта тузиш, вақф идорасини 5 шуъба (диния, илмий, ижара, молия, хўжалик шуъбалари)га бўлиш, асосий вақфларни 6 қисм (масжид ва масжид ишлари, мактаб ва кутубхона, маҳкама, ошхона, авлодий, Макка ва Мадина вақфлари қисмлари)га тақсимлаш, мутаваллилар фаолиятини назорат қилиб туриш, вақф мудириятининг хазинасини вужудга келтириш (олтин оқча ҳисобида) масалалари лойиҳадан ўрин олган.

Фитрат вақф даромадлари ҳисобидан масжид ва мадрасалар, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, мактаб, таълим–тарбия курслари ташкил этиш, дорилмуаллимин, кутубхона, музей, касалхона, етимхона, хонақолар очиш, газета ва журналлар чоп этишни лойиҳа моддаларида батафсил баён қилган [19].

Фитрат лойиҳаси тасдиқланганидан сўнг, республика ҳудудидаги вақф мулкларини ҳисобга олиш, ижарачиларни ўтмишдаги ҳуқуқларидан маҳрум этиш, вақфкор деҳқонларга шарт–шароит яратиб беришга киришилган. “Кейинги маъумотларга қараганда, Бухоро, Чоржўй, Қарши ва Кармана вилоятларида вақф идорасига қарашли 276737 таноб ер бор. Булар 2445753 танга ҳамда 10418 ботмон буғдой эвазига Бухорога берилганлар… Бундан бошқа вақф идораси қарамоғида 57 та сарой, 10 та ҳаммом, 23 та тегирмон, Бухоро ва унинг туманларида 24 та бозор жойи, Бухоро шаҳрида 1769 та дўкон ҳамда 262 та ҳовли бор. Булардан 1683119 танга ҳамда 779 ботмон буғдой ва 15 ботмон жўхори олинадур” [20] , – деб “Бухоро ахбори” газетасида ёзилган.

Хуллас, 1923 йилда БХСРда вақф мулкларидан келган бутун даромад 4128871 танга ҳамда 12212 ботмон буғдой бўлиб, унинг тахминан 50% масжидларнинг имом ва муаззинларига, вақф идорасига, қолгани эса маориф ва маданият ишлари таъминотига сарфланган.

Вақф масаласини ҳал қилиш учун республика тарихида биринчи марта 1923 йил 5 октябрда Бутун Бухоро вақф қурултойи чақирилган. Қурултойнин г иккита катта мажлиси бўлиб, ҳайъат раёсати фахрий раислигига Файзулла Хўжаев, Порсо Хўжаев, Абдулла Раҳимбоевлар сайланган. Қурултой кун тартибига 6 та асосий, 4 та қўшимча, жаъми 10 та масала қўйилган. Кун тартибидаги масалалар вақф билан боғлиқ барча муаммоларни қамраб олган. Қурултой фаолияти “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида батафсил ёритилган [21].

1923 йил охирларида вақфлар билан боғлиқ “жанжал ва шикоятлар”ни ҳал қилиш учун махсус комиссия тузилади. Комиссия таркибига маориф нозири Мусожон Саиджонов, вақф идораси мудири Муҳиддин Рафиқ, иқтисодчи Косинскийлар киритилган. Комиссия ўзининг фаолиятини 1924 йил охиригача давом эттирган.

Хуллас, 1920-1924 йилларда БХСРда иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилди. Иқтисодий ислоҳотлар асосан янги валютани жорий қилиш, савдо–сотиқ муносабатларини йўлга қўйиш, янгича асосдаги банк ва божхона тизимини ташкил қилиш ва шаклантириш каби иқтисодий масалалар билан бевосита боғлиқдир. Ушбу ўзгаришлар натижасда қисқа муддат ичида Бухоро Халқ Совет Республикасида иқтисодиёт , хусусан, қишлоқ хўжалиги жонланиб, халқнинг турмуш даражаси амирлик давридагига нисбатан анча яхшиланган.

АДАБИЁТЛАР:

[1] Бухара в государственном хозяйственном плане 1923-1924гг.- Старая Бухара, 1923.- С.15-16. [2] История Бухарской Народной Советской Республики (1920–1924гг.). Сборник документов. –Т.: Фан, 1976. – С.80. [3] Бухоро ахбори.- 1920.- 21 ноябрь; ЎзР МДА, 46–фонд, 1–рўйхат, 122–иш, 11–варақ ва унинг орқаси. [4] Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2–китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. Б.234–235 [5] Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова.– Т.: Шарқ, 2000.- С.345–346 [6] Бухоро ахбори.- 1920.- 21 ноябрь; ЎзР МДА, 46–фонд, 1–рўйхат, 122–иш, 9–варақ ва унинг орқаси; История Бухарской Народной Советской Республики … С.285 [7] Бухоро ахбори.- 1921.- 18 январь; 1922.- 21 сентябрь [8] Мухитдинов А. Зироат назоратидан нима кутамиз? / Бухоро ахбори.- 1921.- 22 февраль [9] Бухоро ахбори.- 1921.- 5 ноябрь [10] Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳманов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт.– Бухоро, 2005.- Б.8 [11] Озод Бухоро.- 1923.- 1 ноябрь [12] Бухоро ахбори.-1922.- 23 апрель [13] Бухоро ахбори.- 1923.- 27 сентябрь [14] Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари (1920–1924 йиллар).– Бухоро, 2004.- Б.28 [15] Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика.– Т.: Узбекистан, 1969.- С.327; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920–1924 й.).–Бухоро, 2003.- Б.47 [16] ЎзР МДА, 46–фонд, 1–рўйхат, 90–иш, 12–варақ [17] ЎзР МДА, 48–фонд, 1–рўйхат, 17–иш, 16–17–варақлар [18] Бухоро ахбори.- 1921.- 25 сентябрь [19] Фитрат. Вақф ишлари ҳақида / Бухоро ахбори.- 1922.- 29 июнь [20] Қаранг: Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт.– Бухоро, 2005.- Б.20–21; Бухоро ахбори.- 1923.- 21 сентябрь [21] Бухоро ахбори.- 1923.- 1 октябрь; Озод Бухоро.- 1923.- 16 октябрь.

ЎзФА Тарих институти,
2010 йил 5 январда қабул қилинган